# ЛЕНИН ИШИ ЯШАМОҚДА ВА ТАНТАНА ҚИЛМОҚДА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1966 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 93 (5. 984) • 1986 йил 22 апрель, сешанба • Баҳоси 3 тийин.


## ДУНЁНИ ЯНГИЛАШ РАМЗИ

Совет халқи, бутун тараққийпарвар инсоният табиат кўкламги янгиланишининг ажойиб палласида шонли сана — Владимир Ильич Ленин туғилган кунни тантанали нишонламоқда. Мамлакатимиз меҳнаткашлари учун гениал мутафаккир, матонатли революционер, Коммунистик партия ва дунёда биринчи социалистик давлат асосчисининг номидан кўра яқин ва азизроқ ном йўқ. Ленинизм КПСС ҳамда Совет давлати бутун фаолиятининг асоси бўлиб қолди. Ильич васиятларини изчиллик билан амалга ошира бориш Советлар мамлакати меҳнаткашлари эришаётган муваффақиятларнинг гаровидир.

21 апрель куни Тошкентда бўлиб ўтган тантанали мажлис **В. И. Ленин** туғилган куннинг 116 йиллигига бағишланди. Ўзбекистонда Совет ҳокимияти ўрнатилиши учун кураш қатнашчилари, партия, уруш ва меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, фан ва маданият арбоблари, Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округининг жангчилари В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройининг байрамона безатилган залига келдилар.

Тантанали мажлисни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин кириш нутқи сўзлаб очди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев доклад қилди.

Докладчи Ильичнинг ҳаёти ва фаолияти Ер юзидаги миллионлаб кишилар учун инсоният виждони тимсоли, халққа астойдил хизмат қилиш намунаси бўлганлиги ва шундай бўлиб қолаётганлиги тўғрисида гапирди. Барча совет кишилари каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам В. И. Ленин туғилган куннинг 116 йиллигини КПСС XXVII съезди қарорлари туфайли меҳнат ғайрати ва сиёсий активлик жўш урган бир вазиятда кутиб олмоқдалар. Фан-техника тараққиёти ютуқларидан кенг фойдаланиш асосида мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг съездда ишлаб чиқилган программаси Ленин ғояларининг ижодий ривожлантирилишида мужассам ифодасини топди.

Социалистик Ўзбекистон меҳнаткашларининг экономика ва маданият соҳасидаги ютуқлари Ильич васиятларининг яққол кўриниб турган мужассам ифодаси бўлиб қолди. КПССнинг доно ленинча миллий сиёсати, мамлакатимиз халқларининг ва биринчи навбатда улуғ рус халқининг беғараз ёрдами туфайли республикада тарихан қисқа вақт ичида катта социал ўзгартишлар рўй берди. Мамлакатимиз ўз ривожининг сифат жиҳатидан янги босқичига қадам қўйган ҳозирги пайтда Ўзбекистон меҳнаткашлари партия ўн иккинчи беш йилликда белгилаган планларни амалга ошириш учун курашга зўр ғайрат билан киришдилар. Бутуниттифоқ ленинчи коммунистик шанбалик кунида қилинган зарбдорларча меҳнат бунинг тасдиғи бўлди.

Ҳар бир шаҳар ва қишлоқда, ҳар бир меҳнат коллективида ишчанлик, принципиал талабчанлик, ижодий ташаббускорлик муҳити қарор топтирилмоқда.

Тантанали мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Б. Усмонхўжаев, Р. Ҳ. Абдуллаева, В. А. Антонов, П. В. Догонкин, А. С. Икромов, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. Н. Лобко, Н. И. Попов, О. У. Салимов, Ҳ. Алимова, И. Ҳ. Жўрабеков, В. К. Михайлов, В. А. Хайдуров, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Ғ. З. Заҳриддинов, И. А. Каримов, Қ. Ҳ. Маҳамадалиев, В. И. Огарок, С. У. Султонова иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

**УЛУҒ ЛЕНИН ТУЗГАН ПАРТИЯ ИЛМИЙ СОЦИАЛИЗМНИ ИШЧИЛАР ҲАРАКАТИ БИЛАН БОҒЛАШНИНГ, НАЗАРИЯ БИЛАН ПРАКТИКА ЧАМБАРЧАС БИРЛИГИНИНГ ЖОНЛИ ТИМСОЛИ БЎЛИБ ҚОЛДИ. У МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ ПАРТИЯСИ, РЕВОЛЮЦИОН ҲАРАКАТ ПАРТИЯСИ БЎЛИБ КЕЛДИ, ҲОЗИР ҲАМ ШУНДАЙ ВА БУНДАН БУЁН ҲАМ ШУНДАЙ БЎЛИБ ҚОЛАВЕРАДИ.**

(Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программасидан).

КОММУНИСТ МАЪНАВИЙ ОЛАМИ ҲАҚИДА

ОҚШОМ СУҲБАТЛАРИ

## Ильич васиятларига садоқат

**Биз бундай кишиларни одатда жонли энциклопедия, тўғрироғи қомусчи деб атаймиз. Бу бежиз эмас, албатта. Ветеранлар бизда ҳамиша эъзозланади. Улар партияга, Она-Ватанга садоқат билан хизмат қилганликлари учун беқиёс ҳурматга сазовор.**

**Ориф ота ҳам ана шундай камсуқум, табаррук отахонлардан бири. У бугунги кунда — Октябрь район партия ветеранлари Советининг раиси. Саксон ёшдан аллақачон ошганига қарамай ота ҳамон жанговар сафимизда, буюк иш ва режаларимизни рўёбга чиқариш учун тинимсиз саъе ҳаракатда...**

ПАРТИЯМИЗ XXVII съездида ветеранларимизнинг ўрни ва роли ҳақида ғоят ибратли сўзлар айтилди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитети номидан партия XXVII съездида қилган Сиёсий докладида бунга тўхталиб, шундай деган эди: «Кекса авлод — уруш ва меҳнат ветеранлари ҳақида ғамхўрлик қилиш бизнинг ишларимизда катта ўрин тутиши лозим... Лекин инсон фақат овқат билангина тирик эмас, деган гап бор. Пенсияга чиқиши билан ветеранларнинг кўплари «ишдан четда» бўлиб қолаётганликлари ҳақида Марказий Комитетга хабарлар келиб турибди. Чамаси, марказда ва жойларда давлат ва жамоат ташкилотлари йўли билан ветеранларнинг хўжалик ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаолроқ қатнашишларига ёрдам берадиган қўшимча тадбирлар кўриш лозим бўлади. Чунки бу ўринда гап 50 миллион совет кишиси ҳақида бормоқда».

Ҳақиқатан ҳам ўйлаб қараганимизда пенсияга чиққан кишилар бой тажрибаларга эга, аввалги беш йилликлар даврида мусобақа зарбдори, ташаббускори бўлиб келишган. Шунинг учун ҳам биз улардан кўп нарса кутишга ҳақлимиз. У жангларда тобланганми ёки Ленин гвардиясининг кекса вакилларими, Совет ҳокимиятини барпо этиш учун тинч қурилиш йилларида жонбозлик кўрсатганми — уларни фахр ва ифтихор билан бизнинг ветеранимиз, «Ёшлар мураббийси» деб атаймиз.

**— Ориф ота, — деб сўрадик ундан, — доҳиймиз Лениннинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бирон тарихий воқеани эслолмайсизми, ахир ўша пайтларда сиз ёш йигит бўлгансиз...**

— Ёдимда, ёдимда.., дейди у, — 1924 йил сира эсимдан чиқмайди. Қаҳратон қиш эди. Ленин вафот қилгани ҳақидаги хабар вужудимни титратиб юборди. Ўша пайтда мен Бухорода эдим. Регистон майдонида катта мотам митингига минглаб одамлар йиғилди. Маҳаллий партия ва совет раҳбарлари сўзга чиқишиб, доҳиймиз Владимир Ильич Лениннинг номи ҳам, иши ҳам абадий тантана қилишини, унинг васиятлари тўла-тўкис амалга оширилишини айтишди. Ҳамон кўз ўнгимда: митингда қатнашганлар бамисоли денгиздек, қудратли бир кучдек чайқаларди.



**— Ўшандан кейин ленинча чақириқ эълон қилинганди, шундайми?**

— Ҳа, ҳа. Бухорода март ойида ленинча чақириқ эълон қилинди. Партия сафига қабул қилишни сўраб юзлаб ишчилар, оддий батраклар, қизил аскарлар ариза беришди. Ўша кезларда мен командирлар курсини битирган эдим. Отлиқ-тоғ батареяси взводига командир қилиб тийинлангандим.

ЮЗЛАБ ишчилар, оддий курашчилар қаторида мен ҳам партия сафига қабул қилишларини сўраб ариза бердим. Партия сафига ўтганлигим бир умр ёдимдан чиқмайди.

(Давоми 2-бетда).



## 1. Доҳий номи билан

**Владимир Ильич Ленин. Унинг номи бутун дунё меҳнаткашлари учун азиз ва ардоқли. Бу ном эрк, озодлик, тенглик, ҳуррият деган эзгу тушунчалар билан ҳамоҳанг!**

**Унинг азиз номини ҳамиша эъзозлаймиз! Ўша пўлат ғилдираклар устига ўрнатилган рамзий биринчи ҳайкалдан тортиб, то шаҳримизнинг бош майдонига ўрнатилган улуғвор ҳайкал ва муҳташам мармар музейгача ҳаммаҳаммаси чуқур эҳтиромимиз белгиси. Доҳийга бўлган чексиз садоқатимиз рамзи.**

## МЎЪТАБАР ДАРГОҲ

ПАРТИЯ ва давлатимизнинг асосчиси Владимир Ильич Ленин. Ер куррасидаги барча инсоният бу улуғ инсоннинг номини яхши билади. Доҳий туғилган куннинг 116 йиллиги кунида турли ёшдаги ва турли касбдаги кишилар, корхоналар ва ташкилотларнинг вакиллари, студентлар ва ўқувчилар республика бош музейини меҳр-муҳаббат билан зиёрат қилмоқдалар.

Мана 16 йилдирки, минглаб тошкентликлар ва пойтахтимиз меҳмонлари мўътабар даргоҳни зиёрат қилмоқдалар. Шу кунга қадар бу ерга марҳамат қилган зиёратчиларнинг сони 8 миллион 250 минг кишидан ошди. Чунки Ильич каби буюк инсоннинг ҳаёти ҳамиша ёрқин намуна ва ҳаётни тасаввур этишнинг калити бўлиб қолади.

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси халқ истеъмол молларини тайёрлаб чиқараётган илғор корхонадир. Унинг меҳнатчилари Ленин музейига ёш ишчилар авлодини шарафлашга бағишланган коммунистик меҳнат зарбдорлари слётига келдилар.

Ленин ҳаёти сабоқлари биз учун, совет кишилари учун улкан қудратдир. Бу сабоқлар эса, сиз билан бизнинг меҳнатдаги ютуқларимиз, ёшлар тўғрисидаги фикрларимиз, ер куррасидаги ҳар бир инсоннинг дурдона орзу-умидларидир.

Мўътабар даргоҳда таассуротлар китобини варақлар эканмиз, ундаги битилган жўшқин фикрлар орқали зиёратчиларнинг Ленинга бўлган чексиз меҳр ва муҳаббатини ўқиймиз. «Биз бу ерда Ленин билан яна бир бор учрашдик...», «Лениннинг номи ҳамиша биз билан яшайди», «Ленинча яшашни ўрганамиз...»

Партия ветеранлари Иван Сергеевич Секретарев, Қаюм Қодирович Ерзин, Анатолий Петрович Кондратьев, Хайринисо Манноповна Содиқова ва бошқалар билан бўлган учрашувлар ғоятда мароқли ўтди. Совет ҳокимиятини ўрнатишдаги машаққатли йилларнинг қизғин воқеаларида қатнашган бу нуроний отахон ва онахонлар ажойиб даврда яшамоқдалар. Улар авлодлар ўртасидаги барҳаёт гувоҳлардир.

МУЗЕЙДА янги-янги кўргазмалар ташкил этилмоқда, янги экспонатлар намойишга қўйилмоқда. Музейнинг фондида 20 мингдан зиёд ноёб экспонат — ҳужжатлар, материаллар, В. И. Ленин қўлёзма асарлари фотонусхалари сақланмоқда. Стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллиги муносабати билан бу ерда «СССРда социализм қурилишининг ленинча планлари амалга оширилиши», «Съезддан съездгача — Ленин йўлидан» деб аталган кўргазмалар КПСС XXVII съездига бағишланди. Ленин ҳаёти ва революцион фаолиятининг ҳужжатлари биз учун мўътабар ҳисобланади. Бу ҳужжатлар орасида Туркистонда суғориш ишларини амалга ошириш учун 50 миллион сўм ажратилиши тўғрисидаги декрет ҳамманинг диққатини жалб этади. Ленин РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг Тошкентда Туркистон (кейинчалик Ўрта Осиё) давлат университетини таъсис этиш тўғрисидаги декретини имзолаган. Бу университет мана 30 йилдан буён доҳий номи билан аталмоқда. Советлар мамлакати учун оғир бўлган йилларда фан поезди Тошкентга етиб келди ва Ўрта Осиёда тўнғич университетни ташкил этди.

В. И. Лениннинг номи биз учун чексиз мўътабар ва муқаддас бўлганидек, унинг номи билан аталаётган даргоҳ ҳам азиз қадамжодир.

**А. ПЎЛАТОВ.**

## Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетида

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг кеча бўлиб ўтган бюро мажлисида «Главташпассавтотранс» ва трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси коммунист-раҳбарлари М. М. Алиев ва В. П. Загуменновнинг шаҳар пассажир транспорти ишини яхшилаш юзасидан шаҳар XXV партия конференциясида билдирилган таклифлар ва танқидий мулоҳазаларни амалга ошириш бўйича иши ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Бюро таъкидладики, КПСС аъзолари, М. М. Алиев ва В. П. Загуменнов ўз шаънига билдирилган таклифлар ва танқидий мулоҳазаларни амалга ошириш юзасидан ҳали сезиларли амалий чоралар кўришмади. Уларнинг ўз идораларига бўйсунувчи бўлинмаларга раҳбарлиги даражаси Тошкент аҳолисига транспорт хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш талабларига ҳозирча жавоб бермайди.

Чунончи, «Главташпассавтотранс» бошлиғи М. М. Алиев ҳанузгача автобус маршрутлари структурасини тартибга солиш, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг истиқболли формаларини жорий этиш, бўлинмаларни ҳайдовчилар состави билан комплектлаш бўйича етарлича тадбирлар кўрмаган. Автобус паркларининг моддий-техника базасини ривожлантириш масалаларига эътибор бўшаштирилган. Маршрутларда хизмат кўрсатиш маданияти паст, линия-молия интизоми бузилиши давом этмоқда.

Трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи В. П. Загуменнов коллектив куч-ғайратини электр пассажир транспорти ишида зарур тартибни таъминлашга сафарбар эта олмади. Бу ерда прогуллар, ҳаракатдаги составнинг техник носозлиги, йўл хўжалиги ва контакт тармоқлари хизматларининг қониқарсиз ишлаши оқибатида иш вақтининг йўқотилишлари ҳамон кўплигича қолмоқда.

В. П. Загуменновнинг олдинда турган вазифаларни ҳал этишга пассив муносабати моддий-техника базасини ривожлантиришда, пассажирлар ташишни янада ўстириб боришда турғунликка олиб келди. Ишлаётганларнинг меҳнат шароити узоқ вақтдан бери яхшиланмаяпти, янги техника учун ажратилган маблағлар мунтазам ўзлаштирилмаяпти.

Бюро коммунистлар М. М. Алиев ва В. П. Загуменновдан кўрсатилган нуқсонларни қисқа муддатларда бартараф этишни, шаҳар пассажир транспортининг ўзларига бўйсунувчи тармоқларида тартиб ўрнатиш учун таъсирчан чоралар кўришни талаб қилди.

Шаҳар партия комитетининг бюроси партия ташкилотларининг фаолияти, шаҳар иқтисодий ва социал ҳаётининг бошқа масалаларини ҳам кўриб чиқди.

## Ливияда Америкага қарши намойиш

ТРИПОЛИ, 19 апрель. ТАСС мухбирлари В. Богачев ва Г. Шеленков хабар берадилар: Ливия шаҳарларининг аҳолиси Америка авиациясининг ваҳшиёна ҳужумлари чоғида ҳалок бўлган ватандошларини сўнгги йўлга кузатиб қолди.

Триполи кўчаларидаги кўп минг кишилик мотам юриши қатнашчилари «Рейган — болаларнинг қотили!», «Америкага лаънат!» деб ғазаб билан хитоб қилдилар. «Ал-Ғани» қабристонида мотам митинги бўлиб ўтди. Митингда сўзлаган Ливия революцион раҳбарлик органининг аъзоси Хувейлди ал-Хмейди бундай деди: Вашингтон соҳилларимизга ўз авианосецларини юборди, шаҳарларимизнинг тинч кварталларига қарши ўнлаб энг замонавий самолётларни ташламоқда, аммо Вашингтон маъмуриятининг Ливия халқини тиз чўктиришга уринишлари барбод бўлғусидир.

Америка агрессияси қурбонларининг қабри устида минглаб кишилар ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун курашни давом эттиришга қасамёд қилмоқдалар.

Алло, редакциями? 33-99-42, 32-53-66

## Халқ фаровонлигини ўйлаб

**Социал таъминот масалалари жуда кўплаб оқшомхонларни қизиқтиряпти. Улар редакцияга йўллаётган мактубларида пенсияларга қўшимчалар, Улуғ Ватан уруши ветеранларига берилаётган имтиёзлар, инвалидлик группаларини аниқлаш тартиби, кексайиб қолганлар ва инвалидлар, ёлғиз қарияларга қандай ғамхўрликлар кўрсатилаётганлиги тўғрисида тез-тез саволлар бериб туришади. Ёш оналар эса фарзанд туғилганда ва уни парвариш қилиш пайтида тўланадиган нафақаларнинг тўғрилиги билан қизиқишади, кўп болали оилалар эса ўзларининг юридик ҳуқуқларини яна бир бор аниқлаб олишга интилишади.**

**Бир неча йилдирки, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакцияси қошида уруш ва меҳнат ветеранларига кўмаклашувчи жамоатчилик Совети ишлаб турибди. Бу Советнинг раиси Ўзбекистон ССР социал таъминот министри Хосият Ёқубовна Ёқубжоновадир. Жамоатчилик Совети «Ветеран» саҳифасини чиқаради, унда ҳамшаҳарларимизни қизиқтирган кўпгина саволларга жавоблар берилади.**

**24 апрель куни Ўзбекистон ССР социал таъминот министрлигининг етакчи ходимлари социал таъминот министри Х. Ё. Ёқубжонова бошчилигида редакцияда телефон орқали ўтказиладиган жамоатчилик қабулига ташриф буюришади. Бу жамоатчилик қабули анъанага кўра соат 17 дан соат 19 гача давом этади. Ана шу икки соат ичида сиз, қадрли оқшомхонлар, социал таъминот билан боғлиқ истаган саволингизга жавоб олишингиз, ўз таклифларингизни айтишингиз шунингдек, социал таъминот бўлимларида ишлайдиган у ёки бу ходимнинг ишидан қаноатланмаган бўлсангиз ўз эътирозларингизни билдиришингиз мумкин. Фақат бир нарсани унутманг: сиз биз кўрсатган телефон орқали гаплашаётган пайтингизда ушбу телефонга бошқа яна кўплаб ҳамшаҳарларимиз ҳам қўнғироқ қилиш ниятида бўлишади. Шу боисдан ўз фикрларингизни қисқа ва аниқ айтинг.**

**Агар сиз қўнғироқ қилолмай қолсангиз ўз фикр ва мулоҳазаларингизни ёзма равишда, конверт устига «Алло, редакциями!» деган сўзларни ёзган ҳолда редакцияга юборинг.**

**Суҳбат материаллари, редакцияга келган хатлар газетанинг яқин сонларидан бирида эълон қилинади. Шундай қилиб, 24 апрель куни соат 17 дан соат 19 гача 33-99-42, 32-53-66 телефонлари орқали сизларнинг саволларингиз ва таклифларингизни кутамиз.**

